

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА
ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ

БОЛАЖОН

таянч дастури

(Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари
асосида ишлаб чиқилган)

Тошкент-2016

Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилигининг 2016 йил
28-январдаги 1-сонли ҳайъат йиғилишида тасдиқланди.

Мазкур дастур “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” (2013 й.) асосида такомиллаштирилди.

Дастурда мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик, билиш жараёни, атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўналишлари бўйича педагогик вазифалар берилган. Ҳар бир ёш гуруҳ болалари ўқув йили охирида эгаллашлари лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажми кўрсатилган.

Дастур мактабгача таълим муассасаси педагоглари, ота-оналар, болалар уйи педагоглари, шунингдек, ушбу соҳа билан қизиқувчи барча мутахассисларга мўлжалланган.

Илмий маслаҳатчилар: п.ф.д. проф. У.И.Иноятов, ф.ф.н. Б.Х.Данияров,
п.ф.д. Ф.Р.Қодирова. Амалий маслаҳатчи: С.С.Мирджалилова

Нашр учун масъул: М.Н.Аъзамова

Муаллифлар:

З.А.Раҳмонқулова

З.Й.Иброҳимова

М.З.Файзуллаева

М.М.Азизова

М.М.Нуриддинова

М.Ш.Расулева

Илмий муҳаррир: ф.ф.н. З.Й.Иброҳимова

Такризчилар:

Низомий номидаги ТДПУ доценти: Н.Джамилова, ўқитувчи Н.И.Режаметова.

Ўзбекистон халқ артисти, профессор, “Булбулча” болалар ашула ва ракс ансамблининг бадиий раҳбари Ш.Ёрматов.

ТШХТХҚТМОИ катта ўқитувчиси О.А.Махмудова, катта ўқитувчи З.Файзиева, ТВХТХҚТМОИ доценти Т.Л.Хурвалиева, ўқитувчи Д.Тошмухамедова, СВХТХҚТМОИ ўқитувчиси С.С.Раҳимова, НВХТХҚТМОИ ўқитувчиси Д.М.Раҳмонова, ФВХТХҚТМОИ ўқитувчиси О.Н.Абобакирова.

Тошкент педагогика коллеж директори п.ф.н. М.Тожиева, ўқитувчи Д.Каримова.

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 366-мактабгача таълим муассаса мудираси Х.У.Ризаева, Учтепа тумани 550-мактабгача таълим муассаса методисти С.Мажидова.

Андижон вилоят Пахтаобод тумани 13-мактабгача таълим муассаса услубчиси Я.Б.Абдурахмонова, олий тоифали мусиқа раҳбари М.М.Ўрозов, психолог М.Г.Дадабоева, тарбиячи Р.М.Қурбонова.

Муҳаррир: Валида Абдуғаффор қизи.

Муассис:

К И Р И Ш

Мактабгача давр – бу боланинг ўсиш, ривожланиш, ўзини намоён этишга интилиш, ўрганишга, билишга иштиёқи кучли бўлган даврдир. Айнан шу даврда боланинг инсоний сифатлари ва ақлий салоҳияти ривожланиши учун пойдевор яратилади. Мактабгача ёшдаги бола билан таълим-тарбия қанчалик эрта бошланса, самараси шунчалик эрта намоён бўлади ва боланинг бутун ҳаётига ижобий таъсир қилади.

Мактабгача таълим-тарбия – ҳар бир болага индивидуал ёндашиш, уни шахс сифатида ҳурмат қилиш, маънавий-ахлоқий томондан тарбиялаш, боланинг қизиқиш ва эҳтиёжига мос тарзда таълим беришни назарда тутади.

Мактабгача таълим мазмуни ва методлари бола шахсининг шаклланиши, унинг мустақил шахс сифатида тан олиниши жараёнлари кечадиган муҳитда ташкил этилиши катта аҳамиятга эга. Зеро, шахс сифатида шаклланган, камол топган бола ўзини, ўзлигини танийди ва келажакда миллатнинг, юртнинг фахрига айланади.

Мактабгача таълим муассасасида боланинг келажак ҳаётида муваффақиятга эришишига ёрдам берувчи жисмоний, ақлий ва маънавий қобилияти билиш жараёнида, бизни ўраб турган атроф-муҳитни ўрганиш, нутқ ўстириш, бадий асарлар тинглаш, расм чизиш, қуриш-ясаш, жисмоний машқлар бажариш ва бошқа фаолият турларида ривожланади. Бу фаолиятларда йўналишлар бир-бири билан уйғунлаштирилиб – интеграллашган режалаштириш асосида ташкил этилади ҳамда ўйин шаклида қизиқарли тарзда олиб борилади. Ўйин кичкинтойнинг табиий эҳтиёжлари ва истакларига мос келганлиги сабабли, ўйин жараёнида ўрганаётган мавзунини қувноқлик билан такрорлайди, енгиллик билан ўзлаштиради.

Мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаси – ҳар бир бола шахсини ёш босқичига мос тарзда сифатли ривожлантириш ва уни навбатдаги таълим босқичига пухта тайёрлашни таъминлаш ҳамда муассасада ижобий муҳит ва зарур шароит яратишдан иборатдир.

Мактабгача таълимда инклюзив таълим, яъни барча болаларни таълимга қамраб олиш муҳим вазифалардан биридир. Инклюзив таълим жараёнини ташкил этишда ҳар бир боланинг физиологик ва руҳий ривожланиши, айниқса, ўзига хос (*имконияти чекланган*) болаларнинг индивидуал хусусиятлари эътиборга олинади.

Мактабгача таълим самарадорлигини ошириш мақсадида, бу жараёнга ота-оналарни ҳамкорлик асосида жалб қилиш ишларига алоҳида эътибор бериш муҳим. Ота-она боланинг биринчи устози. Улар ўз фарзандига доимо эзгулик тилайди, Ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшадиган, халқимиз манфаатлари учун хизмат қила оладиган инсон бўлишини истайди.

Таълим-тарбия жараёни – ота-оналар ва мураббийлардан катта сабр, меҳр ва бола тарбиясига илмий асосланган ягона ёндашувни талаб қилади. Тўғри йўсинда олиб борилган тарбия натижасида бола мустақил фикр юритишга ва катта ҳаётга дадил қадам қўйишга ҳозирлик кўради.

Мазкур такомиллаштирилган Дастурда “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Мактабгача таълим Концепцияси” ҳамда “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” (2013 йил)дан келиб чиқиб, болани интеллектуал ва жисмоний ривожлантириш, миллий-маданий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, мактаб таълимига тайёрлаш жиҳатлари замонавий педагогика ва психология тамойилларига таянган ҳолда қайта кўриб чиқилди.

“Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари”нинг барча йўналишларида берилган индикаторлар такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастурига тўлиқ қамраб олинди. Дастур мактабгача ёшдаги бола ривожланишига мослаштирилди, аниқлаштирилди, мисоллар билан бойитилди. Ноанъанавий усулларда ишлаш йўллари кўрсатилди.

Шунингдек, боланинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоялаш, таълим-тарбия жараёнини пухта олиб бориш, унинг таффаккур, тасаввур ва нутқини ривожлантириш билан бирга, мустақил ўрганишга, фикрлашга, ижодкорликка, ўз шахсини ҳурмат қилиш, ўзига ишонч туйғусини шакллантиришга қўйилган вазифалар кенгайтирилди, шакл, мазмун ва услубий томондан бойитилди.

Дастурда муҳим тарбиявий вазифалардан бири – боланинг соғлом турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларини таркиб топтириш, гигиеник ва ҳаракат маданиятини сингдириб боришга алоҳида аҳамият берилди.

Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш йўналишида миллий ўзликни англаш, ўзи ва ўзгалар шахсини ҳурмат қилиш, ҳис-туйғуларини ифодалаш, ўғил ва қиз болага хос бўлган фазилатларни тушуниш, катталар ва тенгдошлари билан эркин мулоқот қилиш ва миллий кадриятларимизга хос муомала одобига таянишга урғу берилди.

Дастурда бола нутқини ҳар томонлама ривожлантириш (*фонетик, лексик, грамматик*)га алоҳида эътибор қилинди, мисоллар, тавсиялар билан бойитилди.

Болани маънавий-ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбиялаш, қалбида китобга нисбатан ҳавас уйғотиш, илк китобхонлик маданиятини шакллантиришга қўйилган талаблар бойитилди; миллий меросимиз, ўзбек халқ оғзаки ижоди, халқ ўйинлари, мусиқа, рақс, расм, лой иши, аппликация, қуриш-яшаш бўлимлари тўлдирилди.

Дастурда бошқа халқларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш назарда тутилган ва болани меҳрибонлик, гўзалликни ҳис қилишни ўргатишга алоҳида аҳамият берилди.

Болани табиат билан таништириш асосида илк экологик маданиятини тарбиялаш, она-табиатни асраб-авайлаш, ўсимликларни парвариш қилиш кўникмаларини ривожлантириш вазифалари кенгайтирилди.

Такомиллаштирилган “Болажон” таянч дастури мактабгача таълим тизимидаги барча муассасалар учун бажарилиши зарур бўлган дастур ҳисобланади.

Таянч дастурининг мақсади мактабгача ёшдаги ҳар бир болани мактаб таълимига сифатли тайёрлаш: одобли, ақлли, хушмуомала, ўзига ишонган, ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишга интиладиган, мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуммиллий кадриятларни кадрлайдиган, жисмонан соғлом болани тарбиялашдан иборат.

Дастурнинг вазифаси болани жисмоний, ақлий ҳамда ижтимоий-ҳиссий жиҳатдан камол топтириш ва соғлиғини муҳофаза қилиш; эркин фикрлаш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ахлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол, шунингдек, келажакда мустақил ва онгли яшайдиган комил инсон қилиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Дастурнинг мазмуни қуйидаги тамойилларга таянади:

- мактабгача таълимнинг давлат ва жамият талабларига мослиги;
- мактабгача таълимнинг демократиклиги;
- бола шахсига йўналтирилганлиги;
- болани соғломлаштиришга қаратилганлиги;
- боланинг қобилияти, эҳтиёжи, имкониятига мослиги;
- мактабгача таълимда ўйин фаолиятининг етакчилиги;
- мактабгача таълимнинг инсонпарварлиги;
- мактабгача таълимнинг ижтимоий турмуш билан мослиги;
- мактабгача таълимнинг оила ва бошланғич таълим билан узвийлиги.

Муассаса дастурни амалга оширишда ҳар бир болада қуйидаги сифатларни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйиши лозим:

- ижодкорлик, тасаввур эта олиш, зукколик;
- мустақил фикрлаш лаёқатига эга бўлиш;
- муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари топишга интилиш;
- жамият, мамлакатлар, атроф-муҳит муаммоларига бефарқ қарамаслик.

“Болажон” таянч дастурида ҳар бир болани ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш қуйидаги омилларга асосланади:

- давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш ва унинг баркамол шахсга бўлган муносабатининг кучайганлиги;
- эркин фуқаро маънавиятининг шаклланиши;
- миллий урф-одатлар ва тарихий хотира, ўзликни англаш туйғуси ривожланаётганлиги;
- миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шаклланаётганлиги.

Айнан шу омиллар бола шахсининг жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена, ижтимоий-ҳиссий ривожланиш, нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик, билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўналишларига мос тарзда умумий ривожланишини таъминлайди.

Мазмун жиҳатдан дастур таркибига:

- жисмоний ривожланиш, ўз-ўзига хизмат ва гигиена;
- ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик;
- билиш жараёни ва атроф-муҳит тўғрисидаги билимларга эга бўлиш йўналишларида таълим-тарбия вазифалари киритилган.

Ушбу дастур болани шахс сифатида шакллантиришда мактабгача таълим тизими мутахассислари ва ота-оналар учун энг яқин маслаҳатчи бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Қуйида берилаётган мавзулар куз ойлари учун. Тўлиқ матн ва мавзулар китоб ҳолатида нашр қилиниб амалиётчиларга етказиб берилади.

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАВЗУЛИ-ТАҚВИМ РЕЖАСИ

Илк ёш гуруҳ (2-3 ёш)

№	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				
		Ҳафтада	Бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1.	Атроф-муҳит билан таништириш	0,5	2	8	10	18
2.	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3.	Таълимий ўйин-машқлар (сенсор тарбия)	1	4	16	20	36
4.	Нутқ ўстириш	1	4	16	20	36
5.	Бадий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6.	Расм	1	4	16	20	36
7.	Лой иши	0,5	2	8	10	18
8.	Қуриш-ясаш	1	4	16	20	36
9.	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
10.	Мусиқа	2	8	32	40	72
Жами:		10	40	160	200	360

Атроф-муҳит билан таништириш (2-3 ёш)

Она Ватан ва атроф-олам	Байрамлар	Кагталар меҳнати	Транспорт воситалари	Буюмлар	Кийимлар	Тана қисмлари ва гигиена	Йил давомида
3	2	2	1	2	4	4	18

Т.р.	Машғулот мавзулари
Она Ватан ва атроф-олам	
1.	Бизнинг гуруҳ.
2.	Бизнинг ўйин майдончамиз.
3.	Бизнинг оила.
Байрамлар	
1.	Мустақиллик байрами.
Тана қисмлари ва гигиена	
1.	Тана қисмларимизни ўрганамиз (бош, қош, кўз, бурун, оғиз, тиш, қулоқ,

	<i>қўл ва оёқлар).</i>
2.	Қўлимизни ювамиз.
3.	Тишимизни ювамиз.

**Табиат билан таништириш
(2-3 ёш)**

Жонсиз табиат	Жонли табиат		Йил давомида
	Ўсимликлар дунёси	Ҳайвонот дунёси	
4	7	7	18

Т.р.	Машғулот мавзулари
Жонсиз табиат	
1.	Қум ва сув билан турли ўйинлар ўйнаймиз.
2.	Қуёш ва ой (<i>кун ва тун</i>).
Жонли табиат	
Ўсимликлар дунёси	
3.	Боққа сайр (<i>дарахт, гул ва ўт-ўланни фарқлаш бўйича илк тушунча бериш</i>).
4.	Қизил помидор.
5.	Мазали бодринг.
Ҳайвонот дунёси	
6.	Мушукча билан танишамиз.
7.	Кучукча.
Сайрда	
1.	Об-ҳаводаги айрим ўзгаришлар.
2.	Майдончага учиб келувчи қушлар.
3.	Майдонча бўйлаб мақсадли сайр (<i>турли фаслларда</i>).

**Таълимий ўйин-машқлар
(сенсор тарбия)
(2-3 ёш)**

Т.р.	Машғулот мавзулари
1.	Қўғирчоқлар Лолахон ва Качалполвоннинг юз-қўлини ювамиз.
2.	Қўғирчоқларни кийинтирамиз.
3.	Қўғирчоқ Лолахонни овқатлантирамиз.
4.	Рангли шарчаларни юмалатиш.
5.	Олмаларни ранги (<i>сарик, қизил ва яшил</i>)га қараб йиғ.
6.	Кубикдан минора курамиз.
7.	Кубикдан минора курамиз.
8.	Рангли пирамидани йиғ.
9.	Қувноқ поезд ва вагончалар (<i>ўйин машиқ</i>).
10.	Жойига қўй (<i>шакли бўйича</i>).

11.	Йиғма кубиклар билан ўйин.
12.	Ажойиб қутича.

**Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш
(2-3 ёш)**

Т.р.	Мавзулар
1.	Келинг танишамиз. “Менинг исмим ...”, “Ким бу-?” (ўйинлар).
2.	Саломлашишни ўрганамиз. “Ассалому-алайкум, бу мен” (ўйин).
3.	Мен қувноқ боламан. “Бу уйчада ким яшайди?” (ўйин).
4.	Мен ва менинг оилам. “Менинг оилам” (бармоқ театри).
5.	Таниш ва нотаниш одамлар. “Танийман-танаймайман” (ўйин).
6.	Мен бажара оламан. “Бармоққа-бармоқ” (ўйин).

**Нутқ ўстириш
(2-3 ёш)**

Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш	Луғат иши	Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш	Боғланишли нутқни шакллантириш	Йил давомида
6	10	5	15	36

Т.р.	Машғулот мавзулари
Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш	
1.	И.Муслим. “Чумчуқ” (шеър).
2.	“Алла” (қўшиқ).
Луғат иши	
1.	“Рангли қаламлар” (таълимий ўйин).
2.	“Қўғирчоқ Лолахонни кийинтирамиз” (таълимий ўйин).
Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш	
1.	“Қўғирчоқ Лолахонни чўмилтирамиз (таълимий ўйин).
2.	“Жуфтини топ” (таълимий ўйин).
Боғланишли нутқни шакллантириш	
1.	“Шолғом” (рус халқ эртаги).
2.	“Бўри билан эчки” (ўзбек халқ эртаги).

**Бадий адабиёт билан таништириш
(2-3 ёш)**

Шеър ёд олиш	Ўқиб бериш	Ифодали ўқиш	Сўзлаб бериш	Йил давомида
2	0	8	8	18

Т.р.	Машғулот мавзулари
Шеър ёдлатиш	
1.	Ш.Саъдулла “Лола ва мушук”.
2.	Т.Ортиқхўжаев “Кулча нон”.
Сўзлаб бериш	
1.	“Икки эчки” (<i>ўзбек халқ эртаги</i>).
2.	Р.Азизхўжаев “Ойижон” (<i>ҳикоя</i>).
Ифодали ўқиш	
1.	А.Обиджон “Пахта ва чигит”.
2.	Ҳ.Ёқубов “Қор”.
Кечки соатда ўқиладиган асарлар	
1.	Ҳ.Раҳмат ”Коптогим” (<i>шеър</i>).
2.	Ҳ.Муродов “Ўрдагим” (<i>шеър</i>).
3.	“Очкўз ит” (<i>ўзбек халқ эртаги</i>).
4.	“Бойчечагим ҳиллолик...” (<i>мавсум қўшиғи</i>).

Тасвирий фаолият
(2-3 ёш)

Расм	Лой иши	Қуриш-яшаш	Йил давомида
36	18	36	90

Расм*
(2-3 ёш)

Т.р	Машғулот мавзулари
1.	Расмли китоблар оламига саёҳат.
2.	Яшил майсалар (<i>бармоқ билан табиий рангдан фойдаланиб</i>).
3.	Чиройли қизил копток (<i>пахтали таёқча</i>).
4.	Ёмғир ёғар – чак-чак (<i>бармоқ билан табиий рангдан фойдаланиб</i>).
5.	Қўғирчоқ Лолахонга мунчоқлар (<i>пахтали таёқча</i>).
6.	Қизил олмалар (<i>бармоқ билан табиий рангдан фойдаланиб</i>).
7.	Қушчалар учун дон сочамиз (<i>бармоқ билан табиий рангдан фойдаланиб</i>).
8.	Ихтиёрий расм.
9.	Ширмой нон (<i>пахтали таёқча</i>).
10.	Қушчанинг излари – тик-тик (<i>пахтали таёқча</i>).
11.	Мўйқалам билан таништириш, қўллаш усулини ўргатиш.
12.	Ранг-баранг барглар (<i>баргни бўяш орқали</i>).

* Изох: Расм машғулоти бўйича барча ёш гуруҳларда мавзулардан кейин берилган усуллар тахминий бўлиб, бу усулларни тарбиячи ўзгартириши, болаларнинг кўникмаларидан келиб чиқиб мустақил танлаши мумкин.

**Лой иши
(2-3 ёш)**

Т.р.	Машғулот мавзулари
1.	Лой (<i>пластилин, хамир</i>) билан таништириш.
2.	Қушчалар учун дон сепамиз (<i>ёрқин рангли пластилин</i>).
3.	Катта-кичик коптоклар (<i>пластилин</i>).
4.	Қизил олма (<i>пластилин</i>).
5.	Ширмой нон тайёрлайман (<i>лой ёки чинни хамир</i>).
6.	Қўғирчоқ Лолахон учун мунчоклар (<i>қизил, сариқ, яшил рангли чинни ёки тузли хамир</i>).

**Қуриш-ясаш
(2-3 ёш)**

Т.р.	Машғулот мавзулари
1.	Кубик билан танишамиз ва минора ясаймиз (<i>3 та кубик</i>).
2.	Пирамидани йиғ.
3.	Боғчамиз йўлакчаси (<i>узун ва қисқа</i>).
4.	Ихтиёрий қуриш-ясаш.
5.	Леголардан минора (<i>лего тўплами</i>).
6.	Кубиклардан минора (<i>4 та кубик</i>).
7.	Катта-кичик дарвозалар (<i>кубик, гишт</i>).
8.	Ихтиёрий қуриш-ясаш.
9.	Баланд-паст миноралар (<i>кубик, гишт</i>).
10.	Кубиклардан минора (<i>5 та кубик</i>).
11.	Кенг ва тор йўлакча (<i>лего тўплами</i>).
12.	Ихтиёрий қуриш-ясаш.

Жисмоний тарбия*
(2-3 ёш)

Юриш	Югуриш	Сакраш	Юмалатиш, ирғитиш ва илиб олиш	Эмаклаш ва тирмашиб чиқиш	Майда моторикани ривож-лантириш	Сенсомоторикани ривож-лантириш	Йил давомида
14	12	14	12	8	6	6	72

Т.р.	Машғулот мавзулари
	Юриш машқлари
1.	Бир қатор бўлиб, тўғри юриш (<i>тарбиячининг кўрсатмаси асосида</i>).
2.	Жуфт-жуфт бўлиб юриш.

Югуриш машқлари	
1.	Юришдан югуришга ўтиш (<i>тарбиячи кўрсатмаси асосида</i>).
2.	Қаторда, кетма-кет югуриш.
Сакраш машқлари	
1.	Турган жойида сакраш.
2.	Турган жойида айланиш.
Юмалатиш, ирғитиш ва илиб олиш машқлари	
1.	Тўпларни йиғиб, жойига қўйиш.
2.	Тўпни нишонга икки қўллаб ирғитиш.
3.	Қум халтачани икки қўллаб ирғитиш.
Эмаклаш ва тирмашиб чиқиш машқлари	
1.	Хонада эмаклаб юриш.
2.	Арқон остидан эмаклаб ўтиш (<i>баландлиги 25-30 см</i>).
Майда моторикани ривожлантириш машқлари	
1.	Қувноқ бармоқлар (<i>бармоқлар машқи</i>).
2.	Қор юмалоқлаш.
Сенсомоторикани ривожлантириш	
1.	“Қайси ҳайвоннинг овози?” ўйини (<i>овозидан таниб ҳайвоннинг ҳаракатларини бажариш</i>).
2.	Кўриш сезгисини ривожлантирувчи машқлар.
3.	Таъм билиш сезгисини ривожлантирувчи машқлар.

*Изоҳ: Илк гуруҳда ҳафтанинг биринчи ярмида юриш, югуриш, сакраш, юмалатиш, ирғитиш ва илиб олиш, майда моторикани ривожлантириш бўлимларида янги ҳаракатлар ўргатилади, ҳафтанинг иккинчи ярмидаги машғулотда ушбу ҳаракатлар мустаҳкамланади.

Муסיқа (2-3 ёш)

Муסיқа тинглаш	Муסיкий-ритмик ҳаракатлар	Рақс	Кўшиқ айтиш	Болалар чолғу асбоблари билан таништириш	Муסיкий таълимий ўйин	Йил давомида
15	6	8	20*	3	20	72

Т.р.	Машғулот мавзулари
Муסיқа тинглаш*	
1.	“Алла” – ўзбек халқ кўшиғи.
2.	С.Бобоев “Кўғирчоғим аллаё”.
Муסיкий-ритмик ҳаракатлар	
1.	Э.Парлова “Марш” (<i>бир оёқда; икки оёқда; гоҳ ўнг, гоҳ чап оёқда тўпилатиш</i>).

2.	М.Икромова “Қўллар машқи” (бир қўлни; иккинчи қўлни; икки қўлни тенг ҳаракатлантиришига ўргатиш).
Рақс	
1.	М.Икромова “Бармоққа бармоқ”.
2.	Шиқилдоқчалар билан рақс.
Қўшиқ айтиш*	
1.	М.Икромова “Сарик баргчалар”.
2.	С.Абрамова “Қўғирчоғим”.
Болалар чолғу асбоблари билан таништириш	
1.	М.Икромова “Қувноқ шиқилдоқчалар”.
2.	Қувноқ кўнғироқчалар.
Муסיқий таълимий ўйин*	
1.	“Чапак-чапак” – ўзбек халқ ўйини.
2.	Сичқонча югураяпти.
3.	Қуёнчалар сакраяпти.
4.	Чумчуқлар учаяпти.

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАВЗУЛИ-ТАҚВИМ РЕЖАСИ

Кичик гуруҳ (3-4 ёш)

Т.р.	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				Жами
		Ҳафтада	Бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	
1.	Атроф-муҳит билан таништириш	1	4	16	20	36
2.	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3.	Илк математик тасавурларни шакллантириш	1	4	16	20	36
4.	Нутқ ўстириш	1	4	16	20	36
5.	Бадиий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6.	Расм	2	8	32	40	72
7.	Лой иши	1	4	16	20	36
8.	Аппликация	0,5	2	8	10	18
9.	Қуриш-ясаш	0,5	2	8	10	18
10.	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
11.	Муסיқа	2	8	32	40	72
Жами:		12	48	192	240	432

Атроф-муҳит билан таништириш (3-4 ёш)

Она Ватан ва атроф-олам	Буюк сиймолар	Байрамлар	Қатталар меҳнати	Транспорт воситалари	Буюмлар	Кийимлар	Тана қисмлари ва гигиена	Йил давомида
10	1	2	9	3	4	4	4	36

Т.р.	Машғулот мавзулари
Она Ватан ва атроф-олам	
1.	Саломлашиш одоби.

2.	Гуруҳимиз хоналари.
Байрамлар	
1.	Мустақиллик байрами.
Катгалар меҳнати	
1.	Меҳрибон боғча опамиз.
Тана қисмлари ва гигиена	
1.	Тана қисмларимизни ўрганамиз (<i>бош, қош, кўз, бурун, оғиз, тиш, қулоқ, қўл ва оёқларнинг вазифаси</i>).
2.	Қўлларимизни ювамиз.
3.	Тишимизни ювамиз.
4.	Озода юрамиз.

**Табиат билан таништириш
(3-4 ёш)**

Жонсиз табиат	Жонли табиат		Йил давомида
	Ўсимликлар дунёси	Хайвонот дунёси	
2	8	8	18

Т.р.	Машғулот мавзулари	
Жонсиз табиат		
1.	Қум ва сув ҳақида нима биламиз?	
2.	Эрталаб, кундузи, кечкурун, кечаси.	
Жонли табиат		
Ўсимликлар дунёси		
3.	Сариқ ва қизил сабзилар.	
4.	Мазали картошка ва фойдали шолғом.	
Хайвонот дунёси		
5.	Қўй ва кўзичоқ (<i>сурат орқали</i>).	
6.	Асалари.	
Сайрда		
Жонсиз табиат		
1.	Кун ва туннинг алмашуви.	
2.	Об-ҳаводаги айрим ўзгаришлар (<i>турли фаслларда</i>).	
Жонли табиат		
3.	Майдонча бўйлаб мақсадли сайр (<i>турли фаслларда</i>).	
4.	Олма, олча дарахтлари (<i>турли фаслларда</i>).	
5.	Майдончамизга қушлар (<i>мусича, чумчуқ</i>) учиб келди.	

**Илк математик тасаввурларни шакллантириш
(3-4 ёш)**

Сон ва санок	Миқдор, катталиқ	Геометрик шакллар	Фазода мўлжал олиш	Вақт бўйича илк тушунчалар	Йил давомида
9	9	9	7	2	36

Т.р.	Машғулот мавзулари
	Сон ва санок
1.	Битта ва кўп шарлар.
2.	Она мушук битта, мушукчалар кўп.
	Миқдор, катталиқ
1.	Узун-калта ленталар.
2.	Баланд-паст ҳақида нималарни биламиз?
	Геометрик шакллар
1.	Доира шакли билан танишамиз.
2.	Рангли доиралар.
	Фазода мўлжал олиш
1.	Бу – ўнг кўлим, буниси – чап кўлим.
2.	Ўнг ва чап кўлимни фарқлайман.
	Вақт бўйича илк тушунчалар
1.	Кун ва тун.

**Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш
(3-4 ёш)**

Т.р.	Мавзулар
1.	Ассалому - алайкум, бу мен! “Келинг, танишамиз” (<i>танишув ўйини</i>).
2.	Менинг оилам (<i>оилавий фотосурат</i>). “Оилам расмини топаман” (<i>ўйин</i>).
3.	Менинг севимли бувижоним ва бобожоним. “Оила” (<i>воқеабанд ўйин</i>).
4.	Хушмуомала болалар. “Лаббай, хўп бўлади” (<i>ўйин</i>).
5.	Мен ва атрофимдагилар. “Ассалому-алайкум, раҳмат, хайр” (<i>ўйин</i>).
6.	Менинг ҳисларим. “Кайфият” (<i>ўйин</i>).

**Нутқ ўстириш
(3-4 ёш)**

Нутқ товуш	Луғат иши	Нутқнинг грамматик	Боғланишли нутқни	Йил давомида
-------------------	------------------	---------------------------	--------------------------	---------------------

маданиятини тарбиялаш		тузилишини шакллантириш	шакллантириш	
5	9	8	14	36

Т.р.	Машғулот мавзулари
Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш	
1.	“S” товуши.
2.	“Sh” товуши.
Луғат иши	
1.	Устки кийимлар.
2.	Буюмларнинг сифати ва белгилари (<i>катталиги, ранги</i>).
3.	Қафасдаги кушчани кузатиш.
Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш	
1.	Ўйинчоқлар: мушукча, кучукча, қўзичоқ (<i>2-3 та гандан иборат кичик ҳикоя</i>).
2.	Қўғирчоқ Раъно (<i>кичик ҳикоя</i>).
3.	Ўйинчоқлар: айиқча, тулкича (<i>кичик ҳикоя</i>).
Боғланишли нутқни шакллантириш	
1.	“Бўри билан эчки” (<i>ўзбек халқ эртаги</i>).
2.	“Шолғом” (<i>рус халқ эртаги</i>).
3.	“Бўри ва эчки болалари” (<i>рус халқ эртаги</i>).

**Бадий адабиёт билан таништириш
(3-4 ёш)**

Шеър ёд олиш	Ўқиб бериш	Ифодали ўқиш	Сўзлаб бериш	Йил давомида
3	3	6	6	18

Т.р.	Машғулот мавзулари
Шеър ёдлатиш	
1.	Р.Файз “Бодринг”.
2.	З.Исомиддинов “Чана”.
Ўқиб бериш	
1.	Ҳ.Бадалов “Қип-қизил олма” (<i>ҳикоя</i>).
2.	“Эчки болалари” (<i>ўзбек халқ эртаги</i>).
Ифодали ўқиш	
1.	А.Зиёмат “Олтин кузим”.
2.	А.Абдураззоқ “Қиш кетар”.
Сўзлаб бериш	
1.	“Нон ҳамроҳ” (<i>афсона</i>).
2.	Мирмуҳсин “Олхўри ва ўрик” (<i>адабий эртак</i>).

Кечки соатда ўқиладиган асарлар	
1.	“Офтоб чикди оламга...” (болалар халқ кўшиги).
2.	“Келса йилбоши – Наврўз...” (мавсум кўшиги).
3.	А.Носиров “Янги машина” (ҳикоя).
4.	“Сичкон-мушук ўйнаймиз...” (ўйин кўшиги).
5.	З.Иброҳимова “Онасини қидирган жўжа” (адабий эртак).

Тасвирий фаолият
(3-4 ёш)

Расм	Апликация	Қуриш-ясаш	Лой иши	Йил давомида
72	18	18	36	144

Расм
(3-4 ёш)

Т.р.	Машғулот мавзулари
1.	Байроқчалар (қалам).
2.	Ширин кулча нонлар (пахтали таёқча).
3.	Булут ва қуёш (ғижимланган елим халта ёрдамида).
4.	Қизил ва сариқ олмалар (қалам).
5.	Қувноқ коптоқлар (қалам).
6.	Кулиб турган қуёш (кафт билан қумда расм чизиши).
7.	Учта халқали пирамида (қалам).
8.	Ўтилган мавзулар бўйича жамоа бўлиб ишлаш.
9.	Олмаҳон учун ёнғоқлар (қалам).
10.	Типратикан (бармоқ ва қаламлар ёрдамида).
11.	Қувноқ бўғирсоқ (пахтали таёқча).
12.	Гулзор (қумда расм чизиши).
13.	Тарвуз (бармоқ ва қаламлар ёрдамида).
14.	Қувноқ кўзичоқ (қора қалам).
15.	Паравоз учун темир йўллар (мўйқалам).
16.	Ўтилган мавзулар бўйича жамоа бўлиб ишлаш.
17.	Катта-кичик қовунлар (мўйқалам).
18.	Ёмғир ёғди чак-чак (қумда расм чизиши).
19.	Сарак-сарак кўғирчоқ (губка).
20.	Катта-кичик ликобчаларни безаймиз (пахтали таёқча).
21.	Катта шолғом (эртак асосида қаламлар билан чизиши).
22.	Қўёнчалар учун уй (қалам ва мўйқалам).
23.	Барг тўкилар – шитир-шитир (кафт ва бармоқлар орқали).
24.	Ўтилган мавзулар бўйича жамоа бўлиб ишлаш.

**Лой иши
(3-4 ёш)**

Т.р.	Машғулот мавзулари
1.	Лой (<i>пластилин, хамир</i>)дан ажойиб нарсалар ясаймиз.
2.	Ширин кулча нонлар (<i>ёрқин рангли пластилин</i>).
3.	Қизил, сариқ олмалар (<i>сариқ, қизил рангли хамир</i>).
4.	Учта халқали пирамида (<i>3 хил рангдаги пластилин</i>).
5.	Катта-кичик коптоклар (<i>сариқ, қизил рангли хамир</i>).
6.	Типратикан (<i>лой ва писта доналари</i>).
7.	Қувноқ бўғирсоқ (<i>лой ёки пластилин</i>).
8.	Ихтиёрий лой иши.
9.	Тешик кулчалар (<i>сариқ рангли пластилин</i>).
10.	Қўғирчоқ учун конфетлар (<i>турли рангдаги пластилинлар</i>).
11.	Сарак-сарак қўғирчоқ (<i>тузли ёки чинни хамир</i>).
12.	Катта-кичик ликобчалар (<i>лой</i>).

**Апликация
(3-4 ёш)**

Т.р.	Машғулот мавзулари
1.	Седанали кулча нонлар (<i>тайёр шакл асосида</i>).
2.	Қизил ва сариқ олмалар (<i>қоғоз йиртиши йўли билан</i>).
3.	Қуёнча учун қизил ва сариқ сабзи (<i>қоғоз йиртиши йўли билан</i>).
4.	Қувноқ бўғирсоқ (<i>тайёр шакл асосида</i>).
5.	Қовун ва тарвуз (<i>тайёр шакл асосида</i>).
6.	Япроқлар ўйин тушар (<i>қоғоз йиртиши йўли билан</i>).

**Қуриш-ясаш
(3-4 ёш)**

Т.р.	Машғулот мавзулари
1.	Боғчамиз йўлакчалари (<i>лего тўплами</i>).
2.	Пирамидани йиғ.
3.	Машина ясаймиз (<i>лего тўплами</i>).
4.	Рангли халқалардан баланд пирамидалар ясаймиз.
5.	Паст ва баланд минора (<i>лего тўплами</i>).
6.	Катта-кичик уйчалар (<i>лего тўплами</i>).

Жисмоний тарбия*
(3-4 ёш)

Юриш	Югуриш	Сакраш	Юмалатиш, ирғитиш ва илиб олиш	Эмаклаш ва тирмашиб чиқиш	Майда моторикани ривожлантириш	Сенсомоторикани ривожлантириш	Йил давомида
14	14	12	12	8	6	6	72

Т.р.	Машғулот мавзулари
	Юриш машқлари
1.	Сафда тўғри, мувозанат саклаб юриш.
2.	Тиззаларни баланд кўтариб юриш.
	Югуриш машқлари
1.	Йўналишни ва тезликни ўзгартириб югуриш.
2.	Буюмлар орасидан югуриш.
	Сакраш машқлари
1.	Турган жойда сакраш.
2.	Чапак чалиб сакраш (<i>тарбиячи кўрсатмаси асосида</i>).
	Юмалатиш, ирғитиш ва илиб олиш машқлари
1.	Тўпни бир-бирига юмалатиш.
2.	Тўпни юмалатиш ва қувиб етиш.
	Эмаклаш ва тирмашиб чиқиш машқлари
1.	Тўғри йўналиш бўйича эмаклаш.
2.	Доира бўйлаб эмаклаш.
	Майда моторикани ривожлантириш
1.	Тўпни бир қўлида ушлаб туриш, икки қўллаб ушлаш ва олдинга ташлаш.
2.	Қумли халтачаларни ирғитиш.
	Сенсомоторикани ривожлантириш
1.	Бўйинни бурмасдан кўзлар билан буюмни кузатиш, кўзларни чап ва ўнг томонга ҳаракатлантириш.
2.	Эшитиш ва тери туюш сезгиларини ривожлантириш машқлари.

***Изоҳ:** кичик гуруҳда ҳафтанинг биринчи ярмида болаларга янги ҳаракатлар ўргатилади, ҳафтанинг иккинчи ярмидаги машғулотда ушбу ҳаракатлар мустаҳкамланади.

**Музыка
(3-4 ёш)**

Музыка тинглаш	Музикалий-ритмик ҳаракатлар	Рақс	Қўшиқ айтиш	Болалар чолғу асбоблари билан таништириш	Музикалий таълимий ўйин	Йил давомида
15	8	8	20*	6	15	72

Т.р.	Машғулот мавзулари
Музыка тинглаш*	
1.	Д.Омонуллаева “Алла”.
2.	Д.Омонуллаева “Узум пишди”.
3.	С.Абрамова “Куз”.
4.	Д.Омонуллаева “Куз”.
Музикалий-ритмик ҳаракатлар	
1.	“Чори-чамбар” – ўзбек халқ куйи.
2.	С.Абрамова “Марш”.
3.	С.Абрамова “Югуриш” (“Бег”).
4.	Р.Рустамова “Бекинмачок” (“Прятки”).
Рақс	
1.	“Асп бўламан” – ўзбек халқ куйи (<i>жуфтли рақс</i>).
2.	“Коптокни юқорига от”.
3.	“Қўлларимиз чиройли”.
4.	Гуллар билан рақс.
Қўшиқ айтиш*	
1.	М.Икромова “Боғчамиз”.
2.	М.Икромова “Куз”.
3.	И.Акбаров “Арча байрами”.
4.	М.Икромова “Арча қўшиғи”.
Болалар чолғу асбоблари билан таништириш	
1.	Доира (<i>овозидан топа олиш</i>).
2.	М.Икромова “Қувноқ шиқилдоқча”.
3.	Қутича (<i>овозидан топа олиш</i>).
Музикалий таълимий ўйин*	
1.	“Чапак-чапак” – ўзбек халқ ўйини.
2.	Юрамиз, югурамиз.
3.	Қуш ва қушчалар.
4.	Чумчуқлар ва мушук.
Музыкага оид маълумотлар	
1.	Товуш.
2.	Қўнғироқча, шиқилдоқча, доирача, бубен.

МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАВЗУЛИ -ТАҚВИМ РЕЖАСИ

Ўрта гуруҳ (4-5 ёш)

Т.р.	Машғулот номи	Ўқув йили давомида				
		Хафтада	Бир ойда	1-ярим йиллик	2-ярим йиллик	Жами
1.	Атроф-муҳит билан таништириш	1	4	16	20	36
2.	Табиат билан таништириш	0,5	2	8	10	18
3.	Илк математик тасавурларни шакллантириш	1	4	16	20	36
4.	Нутқ ўстириш	2	8	32	40	72
5.	Бадиий адабиёт билан таништириш	0,5	2	8	10	18
6.	Расм	2	8	32	40	72
7.	Лой иши	1	4	16	20	36
8.	Апликация	0,5	2	8	10	18
9.	Қуриш-ясаш	0,5	2	8	10	18
10.	Жисмоний тарбия	2	8	32	40	72
11.	Мусиқа	2	8	32	40	72
Жами:		13	52	208	260	468

Атроф-муҳит билан таништириш (4-5 ёш)

Она Ватан ва атроф-олам	Буюк сиймолар	Байрамлар	Катталар меҳнати	Транспорт воситалари	Буюмлар	Кийимлар	Тана қисмлари ва гигиена	Йил давомида
10	2	3	9	2	5	1	4	36

Т.р.	Машғулот мавзулари
Она Ватан ва атроф-олам	
1.	Менинг Ватаним.
2.	Она шахрим.
3.	Бизнинг маҳалла.

4.	Мен яшаётган кўча.
5.	Олтин куз.
Байрамлар	
1.	Мустақиллик байрами.
2.	“Меҳржон” – ҳосил байрами.
Катталар меҳнати	
1.	Боғбон меҳнати.
2.	Деҳқонлар меҳнати.
Тана қисмлари ва гигиена	
1.	Тана қисмларимизни ўрганамиз (<i>ўнг ва чап тирсак, ўнг ва чап елка, ияк в.б.</i>).
2.	Кўлимизни ювамиз ва соғлом бўламиз.

**Табиат билан таништириш
(4-5 ёш)**

Жонсиз табиат	Жонли табиат		Йил давомида
	Ўсимликлар дунёси	Ҳайвонот дунёси	
1	8	9	18

Т.р.	Машғулот мавзулари
Жонсиз табиат	
1.	Эрталаб, кундуз, кечкурун, тун.
Жонли табиат	
Ўсимликлар дунёси	
2.	Муассаса боғига сайр.
3.	Олхўри мевасининг фойдасини биласизми?
4.	Кузги дарахт (<i>хурмо</i>).
Ҳайвонот дунёси	
5.	Ёввойи ҳайвон: олмахон.
6.	Ёввойи ҳайвон: бўри.
Сайрда	
Жонсиз табиат	
1.	Об-ҳаво ҳолатини фарқлаш.
2.	Тош-қаттиқ, қум-сочилувчан.
Жонли табиат	
3.	Майдонча бўйлаб мақсадли сайр (<i>турли фаслларда</i>).
4.	Майдончага учиб келувчи кушлар (<i>кабутар, мусича, қалдирғоч</i>).
7.	Муассаса боғидаги дарахтлар (<i>турли фаслларда</i>).

**Илк математик тасаввурларни шакллантириш
(4-5 ёш)**

Сон ва санок	Миқдор, катталиқ	Геометрик шакллар	Фазода мўлжал олиш	Вақт бўйича илк тушунчалар	Йил давомида
9	9	8	5	5	36

Т.р.	Машғулот мавзулари
Сон ва санок	
1.	3 гача санашни ўрганамиз.
2.	Иккига бирни қўшсак 3 бўлади.
Миқдор, катталиқ	
1.	Ленталарни бўйига ва энига кўра таққослаймиз.
2.	Нарсаларнинг қалин-юпқалигини қиёслаймиз.
Геометрик шакллар	
1.	Қувноқ шакллар (<i>доира, квадрат ва учбурчак</i>).
2.	Тўғри тўртбурчак шакли билан танишамиз.
Фазода мўлжал олиш	
1.	Ўйинчоқларни ўнг қўл билан чапдан ўнгга қўяман.
2.	“Юқорига-пастга”, “олдинга-орқага”, “чапга-ўнгга” ҳаракатланамиз.
Вақт бўйича илк тушунчалар	
1.	Кун-тун.
2.	Кун қисм (<i>эрталаб, кундузи, кечқурун</i>)лари.

**Ижтимоий- хиссий ривожланиш
(4-5 ёш)**

№	Мавзулар
1.	Саломлашиш одоби. “Танишамиз – дўстлашамиз” (<i>танишув ўйини</i>).
2.	Менинг оилам. “Ўз оилангни топ” (<i>ўйин</i>).
3.	Оила аъзоларига ҳурмат. “Сиз ким билан яшайсиз?” (<i>ўйин</i>).
4.	Менинг севимли бувижоним ва бобожоним. “Оилавий фотосурат” (<i>ўйин</i>).
5.	Эҳтиёт бўлинг. “Эчки болалари” (<i>эртасосида ролли ўйин</i>).
6.	Мен ва атрофимдагилар. “Биз ҳаммамиз яхшимиз, биз ҳаммамиз ҳар хилмиз” (<i>ўйин</i>).

**Нутқ ўстириш
(4-5 ёш)**

Нутқ товуш	Луғат	Нутқнинг	Боғланишли	Йил
------------	-------	----------	------------	-----

маданиятини тарбиялаш	иши	грамматик тузилишини шакллантириш	нутқни шакллантириш	давомида
10	23	16	23	72

№	Машғулотлар мавзуси
Нутқ товуш маданиятини тарбиялаш	
1.	“S” товуши.
2.	“Z” товуши.
3.	“Sh” товуши.
4.	“S-Sh” товушлари.
Луғат иши	
1.	Ўйинчоқлар: тойчоқ ва кўзичоқ.
2.	Ўйинчоқ мушук ва кучук.
3.	“Зағизғон ўзига дўст ахтарди”.
4.	Хўроз, ғоз ва кўнғиз (<i>тасвирий ҳикоя</i>).
Нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш	
1.	“Кўй кўзичоқлари билан” (<i>сурат асосида ҳикоя тузиши</i>).
2.	“Тандир нон” (<i>сурат асосида ҳикоя тузиши</i>).
3.	“Зайнаб ва жўжалар” (<i>сурат асосида ҳикоя тузиши</i>).
4.	“Сигир бузоқчаси билан” (<i>сурат асосида ҳикоя тузиши</i>).
Боғланишли нутқни шакллантириш	
1.	С. Ғофуров “Рустамжон ва чумоли” (<i>ҳикоя</i>).
2.	“Ақлли қарға” (<i>ўзбек халқ эртаги</i>)
3.	Ш. Саъдулла “Дори” (<i>ҳикоя</i>).
4.	С. Ғофуров. “Соқолли шафтоли” (<i>ҳикоя</i>).
5.	С. Ғофуров. “Туш кўриш” (<i>ҳикоя</i>).
6.	Я. Саъдуллаева “Ғишт” (<i>ҳикоя</i>).

**Бадий адабиёт билан таништириш
(4-5 ёш)**

Шеър ёд олиш	Ўқиб бериш	Ифодали ўқиш	Сўзлаб бериш	Йил давомида
4	5	4	5	18

Т.р.	Машғулот мавзулари
Шеър ёд олиш	
1.	М.Қодиров “Талпинаман кўёшга”.
2.	Р.Файз “Кузда”.
Ўқиб бериш	

1.	“Олтин тарвуз” (ўзбек халқ эртаги).
2.	“Алпомиш” (достондан парча).
Ифодали ўқиш	
1.	З.Диёр “Арча”.
2.	Т.Раҳимова “Ёғди-ёғди”.
Сўзлаб бериш	
1.	“Овчи, Кўкча ва Доно” (ўзбек халқ эртаги).
2.	Х.Тўхтабоев “Ҳасса” (ҳикоя).
Кечки соатда ўқиладиган асарлар	
1.	“Лайлак келди, соз бўлди...” (болалар халқ кўшиғи).
2.	“Оқ теракми, кўк терак...” (уйин кўшиғи).
3.	В.Осеева “Қайси бири осон?” (ҳикоя).
4.	Н.Норқобилов “Дўст” (ҳикоя).

**Тасвирий фаолият
(4-5 ёш)**

Расм	Апликация	Қуриш-ясаш	Лой иши	Йил давомида
72	18	18	36	144

**Расм
(4-5 ёш)**

Т.р.	Машғулот мавзулари
1.	Мовий осмонда байрам пуфаклари учмоқда (рангли фонда мумли қалам билан).
2.	Помидор ва бодиринглар (рангли фонда мумли қалам билан).
3.	Дарахтда қип-қизил олмалар пишди (кафт ва бармоқлар).
4.	Чувалчангни қувлаётган жўжача (тайёр шакл асосида мумли қалам билан).
5.	Картошкани қопага жойлаймиз (қаламда).
6.	Акварумдаги балиқлар (рангли фонда фломастер билан).
7.	Қувноқ коптокчалар (фломастер).
8.	Ўтилган мавзулар бўйича якка ишлаш.
9.	Дарахт барглари – сариқ ва зарғалдоқ рангда (мўйқалам).
10.	Саватдаги мевалар (мўйқалам).
11.	Седанали нон (фломастер).
12.	Полиздаги қовун ва тарвуз (қаламлар).
13.	Сочикни безаш (пахтали таёқча ва қалам).
14.	Ликобчадаги мандарин ва лимонлар (мумли қалам).
15.	Сабзи ва қизил лавлаги (фломастер).
16.	Ўтилган мавзулар бўйича жамоа бўлиб ишлаш.
